

**Маманазаров Соат Исматович**  
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**  
**Жиззах политехника институти**

## **ЁШЛАР ОНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация:** Қадриятлар мавзусини фалсафий тадқиқотларнинг илмий объекти сифатида ўрганиш ва мазкур йўналишда тўпланган билимларни ўзлаштириш замонавий дунёқараш ва илмий тафаккурни шакллантиришга ёрдам беради.

**Калит сўзлар:** жамият, ислохотлар, қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар.

**Mamanazarov Saat Ismatovich**  
**Teacher of the “Social Sciences” department**  
**Jizzakh Polytechnic Institute**

## **THE ROLE OF VALUES IN FORMING THE MIND OF YOUTH**

**Annotation:** Studying the topic of values as a scientific object of philosophical research and mastering the accumulated knowledge in this direction contributes to the formation of a modern worldview and scientific thinking.

**Keywords:** society, reforms, values, universal values, national values.

Қадриятлар тизими ва у билан боғлиқ мавзулар инсоннинг ўзи каби олис тарихий жараёнларнинг таркибий қисми, жамиятнинг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган ижтимоий воқеликнинг ўзига хос феноменидир. Ҳар бир тарихий босқич, инсоният ҳаётининг ҳар қандай даври ўзига хос қадриятлар ва қадриятлар тизимларига эга бўлиши, бу омилнинг давлатлар ва миллатлар тарихи ҳамда тақдирида улкан аҳамиятга эга эканлиги тараққиётнинг умумий қонуниятидир. Ушбу қонуният ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам алломалар ва мутафаккирлар, олимлар ва

мутахассисларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Бу борада кўплаб таълимотлар ва назариялар яратилган, хилма-хил қарашлар ва ёндашувлар шаклланган.

Ушбу соҳадаги турли назариялар ва ёндашувларни умумлаштириш, ўз навбатида ижтимоий тараққиёт жараёнида жамиятнинг бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтиши билан бирга, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, мавжуд кадриятлар тизимида ҳам ўзига хос ўзгаришлар ва янгиланишлар рўй бериши ушбу жабҳага оид умумий жараён эканидан далолат беради. Дунё глобаллашиб бораётган ва у билан боғлиқ турли муаммолар кўлами кенгаяётган бугунги кунда ҳам ана шу умумаксиологик қонуният амалга ошмоқда ва бир томондан бутун инсоният тараққиётининг, иккинчи томондан эса, тобора янгиланиб бораётган Ўзбекистон ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, бундай мураккаб ижтимоий-аксиологик жараёнларнинг глобал кадриятлар тизими ва мамлакатимиздаги мавжуд кадриятлар мажмуига нисбатан интенсив таъсирини таъминлайдиган умумий қонуниятлар ва унинг миллий хусусиятлари билан боғлиқ илмий изланишларга эътибор ортиб бормоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлангани каби, “Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад - “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”. Ушбу йўналишда бугунги жамиятимизга хос кадриятлар тизимининг янгиланиши ва

ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ушбу жараёнга таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлилида мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” (Т.: “Ўзбекистон”, 2016), “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” (Т.: “Ўзбекистон”, 2017), “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” (Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017), “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.” (Т.: “Ўзбекистон”, 2017), “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.” (Т.: “Ўзбекистон”, 2017.– 488 б.) каби асарлари, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга моликдир. Бу нуқтаи назардан, халқимизнинг истиқлолга эришиши, миллий давлатчилигини тиклаши ва мустақилликни мустаҳкамлаши натижасида жамиятимиз маънавий-маърифий кадриятлар тизимида рўй берган янгиланишлар жараёнининг йўналишлари ва асосий тамойилларини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг асарлари ижтимоий инновацион кадриятлар тизимини янада такомиллаштириш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бу жиҳатдан, дунё миқёсида ниҳоятда мураккаб тарзда рўй бераётган глобал аксиологик жараёнларнинг бугунги Ўзбекистон жамиятига хос маънавий-маърифий кадриятлар тизимига таъсирини чуқур ўрганиш, бу соҳада пайдо бўлаётган муаммоларнинг самарали ечимларини топиш эҳтиёжи кучайиб, ушбу йўналишдаги масалаларни тизимли тадқиқ қилиш вазифалари ниҳоятда долзарблашиб бормоқда. Мамлакатимизнинг янги қиёфасини яратиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бу йўналишдаги самарасини янада ошириш учун ҳозирги даврдаги мавжуд кадриятлар тизимини янада такомиллаштириш ва унинг

янгилашиш механизмини оптималлаштиришга доир яхлит концептуал илмий ишланмаларга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда қадриятлар мавзусининг турли масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар орасида Х.Шайхова, Ў.Абилов, Т.Комилова, Қ.Назаров, М.Жакбаров, А.Эркаев, Б.Очилова, Р. Рўзиева, Ш.Орипов, А.Ҳайдаров каби олимлар ва мутахассисларнинг изланишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу жабҳада айниқса, Т.Абдуллаевнинг “Турмуш соҳасида умуминсоний ва миллий қадриятлар диалектикаси”, А.Юнусовнинг “Демократик жамият ва маънавий қадриятлар ривожиди миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро алоқаси”, Қ.Назаровнинг “Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси”, Р. Рўзиевнинг “Жамиятнинг маънавий янгиланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантириш масалалари” мавзудаги докторлик ва А. Ҳайдаровнинг “Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий маънавий қадриятларнинг ўрни”, А.Абдираззоқовнинг “Миллий маънавий қадриятлар ва уларни халқнинг ўзлигини англашидаги ўрни ва аҳамияти” ва А.Муратбоевнинг “Халқнинг ахлоқий қадриятлари ва уларни Ўзбекистоннинг маънавий тикланишидаги аҳамияти” мавзудаги номзодлик диссертацияларини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ушбу мавзунинг мустақиллик йилларида шаклланган қадриятлар тизимининг истиқлол даврида амалга оширилган ислоҳотлар ва бугунги кундаги туб ўзгаришлар таъсиридаги ўзгаришлари, ушбу жараённинг самарали йўллари ва ўзига хос воситаларини излаб топиш масалаларининг ҳалигача махсус тадқиқот объекти бўлмагани ҳам бу борадаги изланишларнинг долзарблигини янада оширади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М.“Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.

2. Назаров Қ.Н. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). -Т.: ЎФМЖ, 2011.
3. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
4. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
5. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
6. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
7. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
8. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
9. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
10. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
11. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
12. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
13. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.